



**БИЗНЕС-ТАҲЛИЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.,

Пардаева Озода Мамаюнусовна

ТДИУ Самарқан филиали кафедраси мудири, PhD, доцент,

Пардаев Обид Мамаюнусович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти мустақил тадқиқотчиси, PhD

АННАТАЦИЯ

Мақолада ҳозирги шароитда бизнес-таҳлилни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишнинг долзарблиги ва асосий йўналишлари қараб чиқилган. Бунда рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланишидан тортиб миллий иқтисодиётнинг ривожланишини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғунлигини таъинлаш зарурлигига қадар олтита йўналиш қараб чиқилган.

Калит сўзлар: Рақамли иқтисодиёт, жадал ривожланиш, барқарор ривожланиш, бозор муҳити, рақобат муҳити, беқарорлик, рақобатнинг кучайиши, бошқарув қарорлари, сифатини ошириш, инновацион ривожланиш, стратегик режалаштириш, самарадорликни ошириш.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются актуальность и основные направления разработки концепции развития бизнес-анализа в современных условиях. При этом проанализированы шесть направлений — от стремительного развития цифровой экономики до необходимости обеспечения согласованности развития национальной экономики с проводимыми в стране реформами.

Ключевые слова: Цифровая экономика, стремительное развитие, устойчивое развитие, рыночная среда, конкурентная среда, нестабильность, усиление конкуренции, управленческие решения, повышение качества, инновационное развитие, стратегическое планирование, повышение эффективности.

**THE RELEVANCE AND MAIN DIRECTIONS OF DEVELOPING A BUSINESS
ANALYSIS DEVELOPMENT CONCEPT**

ABSTRACT

The article examines the relevance and main directions of developing a business analysis development concept under current conditions. In this regard, six key directions are analyzed, ranging from the rapid development of the digital economy to the need to ensure the alignment of national economic development with the reforms being implemented in the country.

Keywords: Digital economy, rapid development, sustainable development, market environment, competitive environment, instability, increasing competition, managerial decisions, quality improvement, innovative development, strategic planning, efficiency improvement.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Замонавий таъсирчанг бошқарув қарорларини қабул қилишда бизнес-таҳлилнинг ўрни беқиёс. Чунки ушбу таҳлил ҳамма натижаларни ўтган давр билан, бугунги ҳолат билан ва келажакдаги прогнозлар билан қиёслаб, тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга ошириш ва ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш имкониятини яратади. Шу жиҳатдан ушбу мавзу долзарб ҳисобланади. Бунинг долзарблигини қуйидаги йўналишлар билан изоҳланишини мақсадга мувофиқ, деб топдик. Булар қуйидагилардан иборат:

- рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланиши;



- бозор муҳитининг беқарорлиги билан бирга рақобатнинг кучайиши;
- бошқарув қарорларининг сифатини ошириш зарурати;
- инновацион ривожланиш шароитида стратегик режалаштиришга эҳтиёжнинг пайдо бўлиши;

- ҳозирги рақобат муҳити кучийиб бораётган шароитда иқтисодий тармоқларида самарадорликни оширишга талабнинг кучайиши;

- миллий иқтисодийнинг ривожланишини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғунлигини таъминлаш зарурлиги.

Мазкур ишда ушбу масалаларнинг ҳар бирига қисқача изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир. Бу, албатта, маълум мутодологик ёншошувларни талаб қилади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада бизнес-таҳлилнинг ривожланиш концепциясининг мазмуни билан боғлиқ масалаларни очиб бериш жараёнида турли методологик йўналишлардан, хусусан, индукция ва дедукция, макон ва замон, миқдор ва сифат, таҳлил ва синтез, мантикий таҳлил каби методологик ёндошувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Маълумки, таҳлил тушунчаси жуда кэнг маънога ега бўлиб, у турли соҳа ва йўналишларда ҳамда турли даврларга ташхис қўйишларда ҳам қўлланилади. Фан ва амалиётда таҳлилни жуда кўп турларини учратиш мумкин: иқтисодий, молиявий, химиявий, физик, математик, статистик, бизнес-таҳлил ва ҳ.к. Улар албатта бир-бирдан ўрганаётган объектлари, мақсадлари ва ўрганиш услублари билан фарқ қилади.

Иқтисодий жараёнларни, уларнинг ўзгариш тенденцияларини, ривожланиши ва тараққиётини аниқ рақамлар орқали текшириш, хулоса қилиш ва бунга асосан навбатдаги босқичларда ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Бунда турли соҳаларда турли усуллар орқали аниқлаш мумкин бўлади. Бу борада соҳасига қараб турди ҳисоб- китоблардан, микроскоплардан, химиявий реактивлардан, ўлчов воситаларидан фойдаланиш мумкин. Иқтисодий жараёнларга ташхис қўйишда, асосий қурол турли йўналишда амалга ошириладиган ҳисоб- китоблар ҳисобланади.

Замонавий бизнесни самарали бошқариш нафақат бозор талаблари ва рақобат шароитидан, балки жамият талабларидан келиб чиқиб, унинг ўзгаришига қаратилган ечимларни тизимли ишлаб чиқмасдан ва амалга оширмасдан мумкин эмас. Мамлакатимиз учун анъанавий бўлган корхоналар хўжалик фаолиятининг таҳлили асосан ушбу корхоналарнинг режали вазифаларни бажариш учун яратилган тизимлар сифатида барқарор ишлашини таъминлаш бўйича қарорларни асослашга қаратилди. Ананавий иқтисодий таҳлил бошқариш учун аналитик қўллаб-қувватлашни амалга оширишни тўлақонли бажора олмаяпти. Бозор иқтисодиёти шароитида бизнесни муваффақиятли ривожланишида тадбиркорликнинг асоси дастакларига талаблар ортмоқда. Ушбу ҳолат бугунги кунда барча иқтисодий жараёнларни ўрганишда бизнес-таҳлилдан фойдаланишни тақозо қилади.

Булардан келиб чиқиб, бизекс-таҳлилнинг долзарблигини бир қанча йўналишда асослаш лозим бўлади. Булар:

Биринчидан, рақамли иқтисодийнинг жадал ривожланиши Бугунги кунда рақамли технологиялар, сунъий интеллект, Big Data ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари бизнес жараёнларининг ажралмас қисмига айланди. Бизнес-таҳлил ривожланиш концепцияси айнан ушбу маълумотларни тизимли таҳлил қилиш, улар асосида илмий-амалий қарорлар қабул қилишни таъминлайди.

Иккинчидан, бозор муҳитининг беқарорлиги билан бирга рақобатнинг кучайиши ҳам глобаллашув ва халқаро рақобат шароитида корхоналар тезкор ва асосли қарор қабул қилишга мажбур бўлмоқда. Бизнес-таҳлилнинг ривожланиш концепцияси хавф-хатарларни олдиндан



аниқлаш, стратегияни мослаштириш ва рақобат устунлигини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан мазкур масала ҳам объектив равишда зарурлиги билан аҳамиятлидир.

Учинчидан, бошқарув қарорларининг сифатини ошириш зарурати ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ҳозирги кунда анъанавий бошқарув ўрнини далилларга асосланган бошқарув эгалламоқда. Бизнес-таҳлил концепцияси раҳбарлар учун ишончли ахборот базасини яратиб, қарор қабул қилиш жараёнининг самарадорлигини оширади. Бу эса мазкур масаланинг долзарблигини янада оширади.

Тўртинчидан, инновацион ривожланиш шароитида стратегик режалаштиришга эҳтиёжи пайдо бўлиши. Корхоналарнинг узоқ муддатда барқарор ривожланиши асосан инновацион ёндашувларга боғлиқ. Бизнес-таҳлилнинг ривожланиш концепцияси инновацион ғояларни баҳолаш, инвестицион лойиҳалар самарадорлигини таҳлил қилиш ва стратегик мақсадларни белгилашда муҳим восита ҳисобланади. Айнан ушбу масала бизнес-таҳлил орқали амалга оширилади. Ушбу ҳолат ҳам мазкур йўналиш бўйича ҳам ўзига хос аҳамиятга эгалигидан далолат беради.

Бешинчидан, ҳозирги рақобат муҳити кучийиб бораётган шароитда иқтисодиёт тармоқларида самарадорликни ошириш талаби кундан-кунга ошиб бормоқда. Шу туфайли ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молия, туризм, таълим каби соҳаларда ресурслардан оқилона фойдаланиш долзарб масала ҳисобланади. Бунга эришиш имкониятлари бизнес-таҳлил концепцияси орқали харажатларни оптималлаштириш, самарадорлик кўрсаткичларини ошириш билан бевосита боғлиқ. Шу туфайли барча жабҳаларда самарадорликни ошириш масаласи долзарб масала сифатида намоён бўлмоқда.

Олтинчидан, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғунлигини таъминлаш зарур бўлмоқда. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бизнес муҳитини яхшилаш шароитида бизнес-таҳлилнинг ривожланиш концепцияси илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, унинг долзарблигини янада оширади. Шу жиҳатдан бизнес-таҳлилнинг ривожланиш концепциясини яратиш кўп тамонлама долзарб эканлигига асос бўладиган далиллар тизимини қараб чиқдик.

Хулоса ва таклифлар. Бизнес-таҳлилнинг ривожланиш концепцияси замонавий иқтисодий шароитда корхоналар ва ташкилотларнинг барқарор ривожланиши, рақобатбардошлигини таъминлаш ҳамда самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш учун муҳим назарий-амалий асос ҳисобланади.

Биринчидан, рақамли иқтисодиётнинг жадал ривожланишига мос тезкор бошқарув қарорларини қабул қилишни жорий қилиш лозим бўлади. Чунки тезлаштириш масаласи кундан-кунга долзарб бўлиб бормоқда.

Иккинчидан, ҳозирги бозор муҳитининг беқарорлиги билан бирга рақобатнинг кучайиши рўй бериб турган бир паллада корхона ва ташкилотларнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уни амлиётга жойий қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Учинчидан, бир томондан жадал ривожланиш ва иккинчи томондан рақобатнинг кучайиши бошқарув қарорларининг сифатини ошириш заруратини келтириб чиқаради. Бу эса бизнес-таҳлилни барча жабҳаларда қўллашни тақозо қилади.

Тўртинчидан, ҳозирги замонавий шароитда инновацион ривожланишни таъминлаш учун корхона ва ташкилотлар фаолиятини стратегик режалаштиришни тақозо қилмоқда. Бундай эҳтиёжнинг пайдо бўлиши янада долзарб аҳамият касб этаверади. Бундан келиб чиқиб,



асосий кўрсаткичларни прогноз қилиш имкониятларини ишга солиш лозим бўлади. Бешинчидан, ҳозирги рақобат муҳити кучийиб бораётган шароитда иқтисодиёт тармоқларида самарадорликни оширишга талабнинг кучайишидан келиб чиқиб, тежамкорлик ва тезкорлик принципларини барча жабҳаларда жорий қилиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Олтинчидан, мамлакатимизда миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғунлигини таъминлаш зарур бўлмоқда. Бунга эришиш учун мамлакатимизга мос бўлган хорижий тажрибалардан фойдаланиш йўллари ҳам ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, бизнес-таҳлил ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишнинг долзарблиги ва асосий йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсияларнинг ўқув адабиётларига ва амалиётга тадбиқ этилиши, мамлакатимизда қўлланилаётган мазкур фанни халқаро стандартларга мослашиш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Пардаев, М. Қ. (2021). *Иқтисодий таҳлил назарияси ва амалиёти*. Самарқанд: СамИСИ нашриёти.
2. Пардаева, О. М. (2022). *Бизнес-таҳлил асослари*. Тошкент: Иқтисодиёт нашриёти.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти. (2023). *“Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли фармони*.
4. Мирзиёев, Ш. М. (2020). *Янги Ўзбекистон стратегияси*. Тошкент: Ўзбекистон.
5. Котлер, Ф. (2017). *Маркетинг асослари*. Тошкент: Шарқ нашриёти.
6. Друкер, П. (2015). *Менежмент: вазифалар, масъулият ва амалиёт*. Москва: Вильямс.
7. Davenport, T. H. (2013). *Analytics at Work: Smarter Decisions, Better Results*. Boston: Harvard Business Review Press.